

Бану Ҳошимга, уларнинг мавлоларига закот ҳалол эмас | Фикҳ дарслари (324-дарс)



19:00 / 10.04.2025 1861

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтларига ва уларнинг мавлоларига закот ҳалол эмас.

عَقْدُ دِصَالِ رَمْتٍ نَمَّ رَمْتٌ تِيْلَعُ نُبُّ نَسَحْلَا دَحْ أَلِاقُ، نَعُوْهُ لَلِاِي ضَرَّةَ رِيْرُهُ يَبَّأَنْ ع
مُثْ، اَهْرَطِيْل، «خُكْ خُكْ»؛ مَلَسُوْهُ يَلَعُ لَلِاِي لَصِيْبِي نَلِاَقُوْفِ، هِيْفِيْفِ اَهْلَعَجَفِ
اَلْاَنْ اَتَمَلَعِ اَمَّأُ؛ مِلْسُ مَلَوْنَا حِيْشِيْلَا هَاوْر. «عَقْدُ دِصَالِ لُكُنْ اَلْاَنْ اَتَرَعَشِ اَمَّأُ»؛ لِاقِ
«عَقْدُ دِصَالِ اَنْ لَحْتِ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳу садақанинг хурмосидан бир дона олиб, оғзига солди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиҳ-қиҳ!» деб ташлатмоқчи бўлдилар. Сўнгра:

«Қавмнинг мавлоси улардандир. Албатта, бизга садақа ҳалол бўлмайди», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган. Термизий саҳиҳ деган.

«Мавло» дегани озод қилинган қулдир. Абу Рофеъ ҳам Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлоларидан эди. Шунинг учун ҳам унга садақа ҳалол бўлмайди.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтлари кимлар?» дейилганда:

Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи: «Бану Ҳошим ва Бану Муттолиблар», дейди.

Абу Ҳанифа ва Молик раҳматуллоҳи алайҳилар эса: «Фақат Бану Ҳошим. Бану Ҳошим эса Али, Ақийл, Жаъфар, Аббос ва Ҳориснинг авлодларидир», деганлар.

Бу ҳукмда катта ҳикмат ўз аксини топган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам садақа олмасликлари, оли байтларига ҳам садақа олишга рухсат бермасликлари билан нафсларини покиза тутиб, ифбатли ҳолда туришда бошқаларга ўрناк бўлишни ирода қилганлар. Нима бўлганда ҳам, кишиларнинг садақасини олганлар уларнинг миннатларига ҳам қоладилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ҳам, оли байтларининг ҳам ана шундай миннатга қолишларини хоҳламаганлар.

Иккинчидан, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари садақа олсалар ва оли байтларига садақа олишга рухсат берсалар, турли-туман ноҳақ гумон ва гап-сўзлар келиб чиқиши мумкин эди. Баъзи бир оғзига кучи етмаганлар, Худодан умиди йўқлар: «Набий закот ва ихтиёрий садақаларни ўзи ва оли байтининг манфаатини кўзлаб шариятга киритган», дейишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас эди.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.